

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг  
“Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш”  
кафедраси ҳамда ТАТУ хузуридаги “Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-  
инновацион марказининг “Интеллектуал бошқарув тизимлари” ўртасида кафедра  
филиалини ташкил этиш тўғрисида**

**ШАРТНОМА № 4**

“5” 11 2018 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909- сонли "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2017 йил 24 майдаги ПҚ 3003-сонли "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли қарори , 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3702 ҳамда 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарорларини ижроси бўйича билан Республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини кенгайтириш, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда тубдан такомиллаштириш вазифаларни бажариш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти (ТИҚҲММИ) ректори Ў.П.Умурзаков бир томондан, ТАТУ хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази (АКТИИМ) номидан мазкур марказ директори Р.Х. Хамдамов иккинчи томондан ушбу икки томонлама кафедра филиалини ташкил этиш тўғрисидаги инновацион ҳамкорлик шартномасини туздилар.

**1. Шартноманинг мазмуни**

Сув хўжалиги соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, соҳани жадал ривожлантиришда ТИҚҲММИ ҳамда АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” ўртасида кафедра филиалини ташкил этиш бўйича уларнинг ўртасида ўзаро манфаатли инновацион ҳамкорликни ўрнатиш:

- Ахборот коммуникация технологияларини сув хўжалиги соҳасида ўз ечимини кутаётган илмий-техник ва технологик муаммоларини ўрганиш ва уларни илмий асосланган ҳолда ҳал қилиш чораларини белгилаш;
- ТИҚҲММИнинг профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилари ва иқтидорли талabalарининг интеллектуал салоҳиятини АКТИИМ даги “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораториясига реал муаммоларни ечиш учун сафарбар қилиш.
- ТИҚҲММИ профессор-ўқитувчилари, докторантдари, мустақил изланувчилари ва иқтидорли талabalарининг илмий-тадқиқот фаолиятлари натижасида яратилаётган ишланмаларини ишлаб чиқаришга ўз вактида жорий этиш.
- АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораторияси базасида магистрларнинг стажировкаларини ташкиллаштириш, ўкув режалари ва фан дастурларига реал иқтисодиёт субъектлари талабларига мос равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифларни ишлаб чиқиши.
- Сув хўжалиги соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, соҳа фанини жадал ривожлантиришда ТИҚҲММИ ҳамда АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораторияси ўртасидаги алоқа тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш;
- Юқори малакали мутахассислар, жумладан илмий – педагогик кадрлар ва магистрлар тайёрлашда ТИҚҲММИ ҳамда АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораториясининг моддий техник базаси ва салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда ўкув ва илмий –

тадқиқот муассасалари салоҳияти ва базасидан унумли фойдаланган холда уларни ривожлантириш;

- Бўш иш ўринлари ва истиқболда янги мутахассисларга бўладиган эҳтиёжлар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш, битиувчиларни малакавий битиув ишларини ва диссертацияларини бажаришларида ва ишга жойлаштиришда яқиндан ёрдам бериш.

## 2. Томонларнинг вазифалари ва мажбуриятлари

(шартномага илова қилинган ва ўзаро келишилган чора-тадбирлар режаси асосида)

### 2.1. АКТИИМ :

- ТИҚҲММИ билан “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораторияси ўртасидаги кафедра филиалини ташкил этиш тўғрисидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантириш учун биргаликда инновацион ишчи гурӯх ташкил этиш;
- “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораториясининг ўз ечимини кутаётган илмий-техник ва технологик муаммолар тўғрисидаги маълумотларни инновацион гурӯхга тақдим этиш;
- инновацион гурӯх таркибига тажрибали ва юқори малакали мутахассисларни киритиш ва уларнинг самарали ишлашлари учун зарурий шарт шароитларни яратиш;
- таълимда узвийлик ва узлуксизликни хисобга олган холда давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва дастурларини такомиллаштиришда, кафедра моддий техника ва ўкув лаборатория базасини ривожлантиришда иштирок этиш ҳамда ҳомийлик қилиш;
- марказнинг етакчи мутахассислари томонидан институт профессор-ўқитувчилари ва талабаларига маърузалар ўқиш, бакалаврлар малакавий битиув ишлари ва магистрлар диссертацияларига илмий раҳбарлик қилиш;
- ўзаро ҳамкорлиқда услубий кўлланмалар яратиш, илмий – тадқиқот ишларини олиб боришини ташкил этиш ва илмий натижалардан ўкув жараённида фойдаланишни таъминлаш. Инновацион гурӯхнинг самарали деб топилган илмий ишланмаларини корхоналарнинг ишлаб чиқариш амалиётларига татбиқ этиш;
- институт профессор – ўқитувчилари ва илмий ходимларининг қисқа муддатли амалиётларини ўтказиш ва малакасини ошириш мақсадида ўзининг моддий техника базасидан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- соҳа бўйича ишлаб чиқаришда мавжуд маълумотлар ва муаммолар банки билан ТИҚҲММИ талабномаси бўйича мунтазам таъминлаб бориш ва илмий амалий ҳамкорликни амалга ошириш;
- талабаларнинг ўкув, малакавий ва битиув олди амалиётларини ўз базасида дастур талаблари даражасида ўтказилишини таъминлаш, талабаларга етакчи мутахассислардан раҳбарлар бириктириш; талабалар ва магистрлар билан сув хўжалиги объектларида интеллектуал бошқарув тизимларини кўллаш масалалари бўйича ташкил этиладиган учрашувларда қатнашиш;
- мазкур шартнома иловасида келтирилган ўзаро келишилган чора тадбирларнинг барча тегишли бандларини ва томон розилигига кўра бошқа шартларни бажариш мажбуриятини олади.

### 2.2. ТИҚҲММИ :

- талабаларни юқори малакали кадрлар бўлиб этишишларида уларнинг таҳсил олиши учун таълим муассаси Низомида кўзда тутилган барча зарурий шароитларни яратиш;
- кадрларни тасдиқланган ўкув режа ва дастурларига мувофиқ давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ҳомий ташкилотлар тавсияларини эътиборга олган холда тайёрлаш, мутахассисларни битиувчиларнинг якуний давлат аттестацияларида иштирок этишларини таъминлаш;
- инновацион гурӯх томонидан намунавий истиқболли илмий тадқиқот мавзулари рўйхатини шакллантириш ва уларни Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасига тақдим этиб бориш;
- корхоналарнинг илмий – техник ва технологик муаммолари асосида битиув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари мавзулари банкини шакллантириш;
- талабаларга ўкув дастурларига қўшимча равиша АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораториясининг етук мутахассислари томонидан соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, мавжуд муаммолар, эришилаётган ютуқлар, илгор техника ва технологиялар ҳамда стратегик йўналишларга бағишилаб ўқиладиган маъруза ва давра сұхбатларини ташкил этиш;

- соҳасига фидоий ва юқори сифат даражасида дарс берадиган ҳамда тадқиқотлар бажараётган профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли ҳамда жамоат ишларида фаол бўлган талабаларни рағбатлантириш;
- АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораториясининг тавсиясига кўра олий маълумотли ходимларни марказ тизимидағи илмий текшириш институтлари қошида хар уч йилда бир марта малака оширишларини ташкил этиш;
- АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораториясига магистрларни ўкув ва малакай амалиётларни график асосида ўтишга юбориши. Битирувчи талабаларни ишга йўллашнинг ўзаро манфаатли шаклларини ишлаб чиқиши;
- АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораториясида мавжуд маълумотлар асосида битирув малакавий ишлар, магистрлик, докторлик диссертациялари мавзусини шакллантириш ҳамда ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ташкил этиши;
- АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лабораториясининг етакчи мутахассисларини ўкув жараёнига жалб этиши;
- ТИҚҲХММИда ўтадиган ҳалқаро ва республика анжуманларига ва бажариладиган ҳалқаро илмий лойиҳаларга марказнинг етакчи олимларини таклиф қилиши;
- ТИҚҲХММИда тайёрланадиган янги дарслер, ўкув қўлланма ва компьютер дастурларида АКТИИМ “Интеллектуал бошқарув тизимлари” лаборатория ходимларини иштирок этишига шароит яратиш;
- фан – таълим – ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига ҳисса кўшаётган соҳанинг фидоий ходимларини рағбатлантириш;
- мазкур шартнома иловасида келтирилган ўзаро келишишлган чора тадбирларнинг барча тегишли бандларини ва томон розилигига кўра бошқа шартларни бажариш мажбуриятини олади.

### 5. Шартноманинг амал қилиш муддати

- Мазкур шартнома томонлар имзолагандан кундан бошлаб кучга киради ва беш йил муддатга амал қилади. Амал қилиш муддати тугагандан сўнг томонлар шартномани тугатиш хақида ёзма огоҳлантириш бермасалар унинг амал қилиш муддати кейинги беш йилга узаяди.

### 6. Томонларнинг юридик манзиллари

ТИҚҲХММИ: 100000, Тошкент ш.  
Қ.Ниёзий кўчаси , 39 – уй.  
Тел./факс: 237-19-61  
E-mail:

ТИҚҲХММИ ректори

Ў.Умурзаков  
20 йил

“Келишишлган”  
“Технологик жараёнлар ва ишлаб  
чиқаришни автоматлаштириш ва  
бошқариш” кафедраси мудири  
проф. Р. Газиева

ТАТУ хузуридаги АКТИИМ  
Тошкент ш. Кичик кўча,2

Тел. +998(71) 232-25-37  
Fax: 234-07-44 E-mail: [info@insoft.uz](mailto:info@insoft.uz)

ТАТУ хузуридаги АКТИИМ директори

Р.Хамдамов  
20 йил

“Келишишлган”  
ТАТУ хузуридаги Ахборот-коммуникация  
технологиялари илмий-инновацион маркази  
“Интеллектуал бошқарув тизимлари” лаб.  
мудири, т.ф.н., доц. А.Кабильджанов